

Мухтор аудиторларнинг ҳисоботи

«ВМКВ - Agromash» Акциядорлик Жамияти Акциядорларига

Биз «ВМКВ - Agromash» (кейинчалик матнда – Компания) Акциядорлик Жамиятининг ҳавола қилинаётган молиявий ҳисоботини аудит текширувини ўтказдик. Мазкур молиявий ҳисобот 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолат бўйича ҳисоботдан, умумий даромад бўйича ҳисоботдан, капиталдаги ўзгаришлар ҳақида ҳисобот ва кўрсатилган санада тугаган йил давомида пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботдан, ҳамда рўйхатлаш сиёсатининг асосий қоидаларига берилган қисқача тавсифдан ва бошқа тушунтириш изоҳларидан иборат.

Раҳбариятинг молиявий ҳисоботга нисбатан масъулияти

Компаниянинг раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни Халқаро Молиявий Ҳисобот Стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этишга, шунингдек қаллоблик ва хатолардан келиб чиққан айтарли нотўғриликлари бўлмаган молиявий ҳисоботни тайёрлашда Компания раҳбарияти зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлашга ҳам масъулдир.

Аудиторларнинг масъулияти

Бизнинг масъулиятимиз мазкур молиявий ҳисобот бўйича биз томонимиздан олиб борилган аудит асосида ўз фикримизни билдиришдан иборатдир. Биз аудитни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ олиб бордик. Ушбу стандартлар одоб-ахлоқ талабларига риоя қилишимизга, ҳамда молиявий ҳисобот айтарли хатоларсиз тайёрланганлиги ҳақида оқилона ишончни таъминлаш учун мазкур аудитни режалаштириш ва олиб боришга ундайди.

Аудит молиявий ҳисоботда суммалар ва маълумотларни очиш бўйича аудиторлик далилларини олиш тамойилларини ўз ичига олади. Танлаб олинган тамойиллар молиявий ҳисоботда қаллоблик ёки хатолик сабабли келиб чиққан келишмовчиликлар хавфини баҳолашдан ҳосил бўладиган аудиторнинг фикрлашига боғлиқдир. Бундай хавфларни баҳолашда субъектнинг ички назорат тизими самаралилиги ҳақидаги фикрини ифодалаш мақсадида эмас, вазиятга мос келадиган аудиторлик тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитор субъект ўзининг молиявий ҳисоботини тайёрлаб, ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизими сифатида қабул қилади. Аудит шунингдек жорий қилинаётган рўйхатлаш сиёсатининг мақбуллиги ва ҳисоблаб чиқиш баҳоларининг асосли эканлигини баҳолашни, ҳамда молиявий ҳисоботни тақдим қилишга қўйиладиган умумий баҳолашни ўз ичига олади.

Биз олинган аудиторлик далилларини етарли ва бизнинг аудиторлик фикримизни ифодалаш учун асос бўла оладиган лозимлик даражасида деб ҳисоблаймиз.

Фикр-мулоҳаза

Бизнинг фикримизча, бошқарув аппарати бўйича илова қилинаётган молиявий ҳисобот барча зарур йўналишлар бўйича 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра Компаниянинг молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил давомида улар фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағлари ҳаракатини Халқаро Молиявий Ҳисоботлар Стандартига мувофиқ ҳаққоний ифодалаган.

12019 йил 1 апрель

Аудитни олиб борганлар:

«AUDIT-VARN» МЧЖ АЖ

Директор «AUDIT-VARN» МЧЖ АЖ: Мусина Н.Н.

100017, Тошкент ш., Ц-5, 60-уй,
тел./факс 71 276-20-99, email: audit@varn.uz